

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2021 йил 11 июнь • №22 (1354)

Тиббий кўргазма

ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ ЮТУҚЛАРНИНГ УЛКАН НАМОЙИШИ

“Ўзэкспомарказ” миллий кўргазма мажмуасида “Соғлиқни сақлаш – ТИНЕ 2021” 25- юбилей халқаро кўргазмаси очилди. Халқаро тadbир Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа қатор вазирлик ҳамда ташкилотлар расмий кўмагида ўтказилмоқда.

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш бутун дунёда энг илғор соҳа ҳисобланади. Ҳозир жаҳон ҳамжамияти дуч келган коронавирус пандемияси сабаб тиббиётга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда соғлиқни сақлаш соҳасига бағишланган кўргазмаларни ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқдир. ТИНЕ кўргазмаси Ўзбекистонда ташкил қилинган биринчи халқаро кўргазма бўлиб, бу йил ўзининг 25 йиллик юбилейини нишонлайди ва пандемия билан боғлиқ узоқ танаффусдан кейин ташкил қилинган биринчи проф

фессионал халқаро саноат кўргазмасига айланади. Анъанага кўра, кўргазма илмий ва амалий тиббиёт ютуқларининг энг катта намоёнидир. Унда экспертлар ва жаҳон саноати пешқадамлари одатий тарзда иштирок этиб, ўзларининг сўнгги технологиялари ва инновацияларини тақдим этмоқда. Ушбу кўргазма кўп йиллардан бери ишлаб чиқарувчилар ва амалиётчи мутахассислар ўртасида коммуникацион алоқаларни ўрнатиш учун бизнес-майдон вазифасини ўтамоқда. “Соғлиқни сақлаш – ТИНЕ 2021” бешта асосий тематик бўлимдан иборат: тиб

бий техника ва ускуналар; лаборатория; фармацевтика саноати учун ускуналар; тайёр доривор препаратлар ва стоматология. Бу йилги кўргазмада Россия, Италия, Хитой, Корея Республикаси, Чехия, Беларус Республикаси, Украина, Қозоғистон каби давлатлар қатори Ўзбекистоннинг маҳаллий ишлаб чиқарувчилари ҳам ўз маҳсулотларини тақдим этмоқдалар. Жами 100 дан ортиқ компания ва брендлар тиббий техника ва асбоб-ускуналар, медикаментлар, тиббиёт буюмлари, доривор препаратлар ҳамда фармацевтика саноати учун асбоб-ускуналар ва технологияларни намоёниш этишяпти. Умуман олганда, хорижий экспонентлар кўргазма иштирокчиларининг умумий сонининг 51 фоизини ташкил қилади.



Кўргазмада хорижий ишлаб чиқарувчилар билан бир қаторда экспозицияда 49 фоиз улушга эга бўлган маҳаллий компаниялар, шу жумладан, дунёдаги энг йирик ишлаб чиқарувчиларнинг дистрибуторлари ва тиббий асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчиларининг ҳамкорлари ҳам иштирок этмоқда.

Кўргазма давом этмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Матбуот хизмати.

Муносабат

ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ОНКОГЕМАТОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 27 майдаги “Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги” қарорининг қабул қилиниши гематология ва онкогематология соҳасини ривожлантиришда яна бир муҳим қадам бўлди.

Қон тизими ва лимфоид тўқималарининг онкологик касалликлари одамларда учрайдиган бешта энг хавfli касалликлар қаторига қиради ва дунёдаги барча ташхис кўйилган саратон касалликларининг тахминан 7 фоизни ташкил қилади. Сўнгги 10 йил ичида Россияда бирламчи ташхис кўйилган беморларнинг сони 19 фоиздан ошди ва бу йилига тахминан 28 минг кишини ташкил этади. 30 ёшгача бўлган саратон билан оғриган беморларнинг учдан бир қисмини гемобластозлар, яъни лейкоз ва лимфомалар ташкил этади. Россияда онкогематологик касалланиш кўрсаткичлари 100 минг аҳолига 14 нафарни, АҚШ да 4-5 нафарни, Европа мамлакатларида 4 нафарни ташкил қилади. Европа, АҚШ, Россия етакчи гематология марказлари маълумотига кўра, ўткир лейкозни даволашда катталар орасида 70-80

фоиз ҳолларда тўлиқ соғайишга эришилган, болаларда эса бу кўрсаткич 70-90 фоизни ташкил қилади, ваҳоланки илгари бу кўрсаткич анча паст бўлган. Бунга онкогематологик беморларни даволашдаги муваффақиятлар, яъни замонавий ташхис (иммунологик, цитогенетик, молекуляр-генетик ва молекуляр-биологик), даволаш усулларини жорий этишда қўлланиладиган дори воситалари ва малакали кадрлар билан таъминланганлиги билан боғлиқдир.

Ўзбекистондаги вазият

Республикада умумий касалликлар структурасида қон ва қон яратиш тизимининг касалликлари 2019 йилда иккинчи ўринга чиқди ва бу барча касалликлар кўрсаткичлари ичида 16,7 фоиз ташкил қилади. Қон тизимининг онкологик касалликлар кўрсаткичи ҳар 100 000 аҳолига 6-8 та янги ҳолатни

ташкил қилади, яъни Ўзбекистон бўйича 2500 га яқин лейкоз касаллиги аниқланган бирламчи беморни ташкил қилади. Бугунги кунда Гематология марказида онкогематологик касалликлар - 4500, гемофилия - 1849, талассемия - 204, апластик камқонлик- 332, гемолитик камқонлик - 110 та бемор диспансер назоратида туради.

Соҳа бўйича

Кадрлар салоҳияти

Республика бўйича гематология соҳасида ишлаётган гематологлари умумий сони 340 та бўлиб, шундан 23,5 фоиз олий тоифа, 5,9 фоиз биринчи тоифа, 6,7 фоиз иккинчи тоифа, 63,8 фоиз тоифасиз шифокорлар бўлиб, умумий гематологлардан фан доктори 9 та, фан номзоди 27 нафарни ташкил қилади. Гематологлар билан старлича таъминланмаган ҳудудлар мавжуд бўлиб Тошкент вилоятида иккита, Жиззах вилоятида тўртта, Сирдарё вилоятида бешта, Навойи ва Сурхондарё вилоятларига эса олтиадан тўғри келади.

► (Давоми 2 ва 3-бетларда)

Семинар

1000 НАФАР БОЛАДА КОХЛЕАР ИМПЛАНТАЦИЯ ЎТКАЗИЛДИ



Қуни кеча Тошкент ва Самарқанд шаҳрида “Қохлеар имплантларга эга болаларни психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш” мавзuida халқаро ўқув-услубий семинар бўлиб ўтди.

Тadbир Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Самарқанд давлат тиббиёт институти ҳамда “Medel” Австрия компанияси томонидан ташкил этилиб, унда республикаимизнинг турли вило-

ятларидан 200 нафардан ортиқ сурдопедагог, логопед, реабилитолог ҳамда Россия, Қозоғистон ва Беларусдан таклиф этилган мутахассислар онлайн ва офлайн тарзда иштирок этди.

► (Давоми 3-бетда)

ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ОНКОГЕМАТОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Соҳа мутахассисларининг чет элларда малака оширишлари 2016 йилда 21 та, 2017 йил 23 та, 2018 йилда 20 та, 2019 йил 26 та 2020 йилда 6 та гематологлар, шифокор-лаборантлар, ҳамширалар Россия, Беларуссия, Туркия, Германия, Хиндистон, Чехия каби давлатларда узоқ ва қисқа муддатли малака оширишларда бўлиб қайтидилар. Марказ, унинг вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларидаги бўлимлари, марказий кўп тармоқлардаги гематолог кабинетлари соҳа вертикал тизимини ташкил қилиб, бирламчи тизим шифокорларида гематологик касалликларга шубҳа пайдо бўлганда, ҳудуд муассасаларида текширилади, зарурат юзага келган ҳолларда ордер ёки йўланма билан Марказга юборилади.

Республикада ўрин-жойлар фонди ва уларнинг ишлатилиши.

Республика ихтисослаштирилган Гематология илмий-амалий тиббиёт маркази республикада аҳамиятига эга бўлган муассаса ҳисобланиб, ўзининг 260 ўрин-жойли фондидан билан республикамизнинг гематология ва трансфузиология хизматида ташкилий, илмий-тадқиқот, методик ва амалий фаолиятини амалга оширади. Вилоят (республика) кўп тармоқли тиббиёт марказлари қошида гематология бўлимларида катталар ва болалар гематология бўлимлари фаолият юритмоқда. Республика ҳудудлари бўйича умумий жами ўрин-жой фонди 830 ўрин-жойни ташкил этади, шундан болалар 360 та, катталар 470 та. Республикада сўнгги уч йилда гематологик касалликларга чалинган беморлар сони 10 фоизга ортганлиги қайд қилинмоқда. (2018 йилда 6 437 нафар, 2019 йилда 6699 нафар, 2020 йилда 6998 бемор даволанган). 2020 йилда марказ клиникасида даволанганларнинг 62 фоиз лейкоз касаллиги, 38 фоиз қон тизими касалликларининг оғир турлари билан касалланган беморлар бўлиб, уларнинг 28 фоизни болалар, 72 фоизни катталар ташкил этган. 2020 йилда марказ поликлиникасига мурожаат этганлар сони 58152 нафарни (режада 40 000 нафар), яъни 145,3 фоизни ташкил қилган (улардан болалар 20704 нафар).

Республикада гематология хизматининг ҳозирги ҳолати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори Республика-

да ушбу хизмат ҳолатини қайта кўриб чиқиш ва ривожлантиришга сабаб бўлди. Қарорга кўра гематологик касалликларга ташхис қўйиш учун тиббиёт муассасаларининг лабораторияларини реагентлар билан таъминланганлик даражасини 7,5 баробарга ошириш; республика ва ҳудудий тиббиёт муассасаларининг гематологик касалликларини даволаш учун зарур бўлган дори воситалари билан таъминланганлик даражасини 2020 йилда олти баробарга ва кейинги йилларда босқичма-босқич ошириб бориш; миелома ва лимфома касаллигига чалинган беморларда аутологик ўзак хужайралари трансплантацияси амалиётларини ўтказиш; трансфузиология (қон билан ишлаш) хизмати моддий – техника базасини яхшилаш, қон компонентлари ва препаратларини ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли ўртасида беғараз донорлик ҳаракатини ривожлантириш; ҳудудий тиббиёт муассасаларининг гематолог ва лаборант шифокорларини асосий иш жойларида ойлик маоши сақлаб қолган ҳолда республиканинг етакчи тиббиёт муассасаларида стажировка ўтиши ва малака оширишини ташкил этиш, марказга янги бино қуриш ва мавжуд биноларни реконструкция қилиш масалалари кўзда тутилган. Республика ихтисослаштирилган Гематология илмий-амалий тиббиёт маркази базасида молекуляр тиббиёт ва хужайра технологиялари лабораторияси ва 5 ўрин-жойли гемопозтик ўзак хужайралар билан даволаш бўлими ташкил қилинган. 2014 йилдан бошлаб илк амалиётлар Туркиялик ҳамкорлар билан биргаликда аутологик трансплантация ўтказилган бўлса, кейинчалик марказ мутахассислари томонидан 35 дан ортиқ трансплантация амалиётлари ўтказилди.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор ижроси бўйича ҳозирда Давлат дастури асосида йилига 60 тадан трансплантация учун юқори технологик анализаторлар, 4,2 млрд сўмга дори воситалари, сарф-материаллари сотиб олинди, трансплантация ўтказиладиган беморлар саралаб олинди, трансплантация олди химиятерапия муолажалари ўтказиб келинмоқда. Давлат дастурлари ҳисобидан реанимация бўлими учун 2та сунъий нафас олиш аппарати, 20 дона яқин кислород концентраторлари, 10 дан ортиқ инфузион помпалар, кардиомониторлар, дефибрилятор ва порпатив ультра-

товуш жиҳозлари келтирилди. Қон касалликлари, жумладан қон ўсма касалликларини юқори технологик ташхислаш, яъни цитогенетик, молекуляр-генетик, иммунофенотиплаш, иммуногистокимё ва қоннинг наслий касалликларини пренатал ташхиси (бир беморга текширув нархи 200-500 АҚШ долларига тўғри келади). Давлат дастури ва жамғарма маблағлари ҳисобидан 3,4 миллиард сўмлик шартнома тузилиб, реагентлар ва асбоб ускуналар парки кенгайтирилмоқда, регионал молекуляр-генетик лабораториялар ташкил қилиш кўзда тутилмоқда, онкогематологик беморларга цитогенетик, молекуляр-генетик ва иммунофенотипик текширувлар тўлиқ қамраб олиш имконияти яратилди.

Гематология бўлимларида цитостатик дори воситалари билан таъминланганлик даражаси 10-20 фоизни ташкил қилиб, дори воситаларининг 50-70 фоизни беморлар ўз маблағлари ҳисобидан сотиб олишга мажбур бўлган бўлсалар, ҳозирги кунда қарор қабул қилиниши муносабати билан дастур ва жамғарма маблағларидан цитостатик, таргет ва иммунологик дори воситалари, ҳамда ёндош терапия препаратлари учун маблағ миқдорини 7 бараваргача кўтарилшига олиб келди. 2020 йил ҳисобидан 71,0 миллиард сўмлик шартнома тузилган, 48 турдаги химиотерапия воситаларининг ҳозирги кунда 24 тури кириб келган бўлиб, марказ ва республика ҳудудларидаги гематология бўлимларига тақсимот қилинган. Беморларнинг қон компонентлари ва препаратлари билан таъминлаш мақсадида 4362 дона умумий қиймати 12 миллиард сўмдан ортиқ тромбоцит ишлаб чиқариш сарф-материаллари учун шартнома қилиниб, сарф материаллар босқичма-босқич кириб келмоқда. 2021 йил Давлат дастури доирасида 91,0 миллиард сўмдан ортиқ дори воситалари, реагентлар ва сарф материаллари учун эҳтиёж ва техник топшириқлари шакллантирилган.

Республикада гематологик касалликларнинг ягона миллий регистри йўқлиги натижасида статистик ҳисоботларни тўлиқ ва ишончли тузишни, даволаш ва профилактика ишларини амалга оширишни ва дори воситаларига бўлган эҳтиёжни ҳисоб-китобини тўғри режалаштиришни имкони бўлмайди. Дастур доирасида қарийиб 200 миллион сўм ажратилган бўлиб, регистр дастури икки йилга мўлжалланган, биринчи босқичда локал тармоқ, тўпланиб боровчи маълумотлар базаси, онлайн тарзда ишловчи онлайн платформа яратиш масалалари яқунланиб, 2021 йил ишлаб чиқилган платформаларни ягона тизимга улаш, ҳудудларга тадбиқ қилиш, мута-

хассисларни ўргатиш, ўқитиш, ҳамда ягона республика платформасини яратиш йил охирига қадар тўлиқ ишга туширилиш режа қилинган. Охириги йилларда қатор дастурлар, лойиҳалар доирасида марказга умумий қиймати 2,0 миллион АҚШ долларли ўзак хужайраларини музлатиш азот танкерлари, ўзак хужайралар ажратиш сепараторлари, молекуляр генетик таҳлиллар учун ПЦР, ПЦР реал тайм, генларни таҳлил қилувчи секвинатор, ўсма хужайраларини фенотиплаш учун цитофлюорометр, цитогенетик ва FISH анализаторлари, қон оксил ва иммуноглобулинлари учун иммунофиксация анализатори, тўлиқ автоматлаштирилган қон коагулограмма ва агрегометр, ҳамда қон умумий таҳлили анализаторлари олинди. Лабораторияда молекуляр-генетик текширишларнинг баъзи усуллари, хромосомаларни кариотиплаш, полимераз занжирли реакция (ПЗР-таҳлил) ва иммунофенотиплаш ўзлаштирилган ва йўлга қўйилган.

Соҳадаги асосий илмий йўналишлар

Илмий йўналишларда ўзак хужайралари хусусиятилари, уларни сақлаш, музлатиш, ўсма клонларининг пайдо бўлиши патогенези, уларнинг химиопрепаратларга нисбатан сезувчанлигини ўрганиш, онкогематологик касалликлар пайдо бўлишидаги хавф омилларини ўрганиш, дори воситалари персонализацияси, қон ўрнини босувчи дори воситалари ихтиро қилиши ва амалий ишлаб чиқаришда тадбиқ қилиш бўйича илмий изланишлар ўтказилмоқда. Марказ олимлари томонидан “Сукцинасол” қон ўрнини босувчи дори воситалари ишлаб чиқарилиб, қатор текширув босқичларидан сўнг, кенг ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда Реоманнисол қон ўрнини босувчи дори воситаси бир қатор клиник синновлардан ўтмоқда ва бундан ташқари яна шундай хусусиятга эга бўлган 3 турдаги дори воситалари клиникадан олдинги текширув босқичларида илмий ишлар олиб борилмоқда.

Соҳадаги халқаро

ҳамкорлик натижалари

Марказда қатор дастурлар йўлга қўйилган бўлиб, шулардан бири GIPAP халқаро хайрия дастури амалга оширилмоқда, натижада 1500 дан ортиқ сурункали миелолейкоз (СМЛ) билан оғриган беморлар (Novartis, Швейцария) ҳар йили 253,3 миллиард сўмни ташкил этадиган, таргет таъсирга эга янги авлод «Гливек» дори препаратини бепул олишларига имкон яратилди. Дастур доирасида юқоридаги беморлар учун препаратлар тўлиқ қамраб олинади. Яна бир дастур Бутун Жаҳон гемофилия федерацияси билан ҳамкорликда 5 ёшгача гемофи-

лия касаллигига чалинган болалар учун қон ивиш VIII ва XI факторларини профилактик дозада тўлиқ таъминлаб бериш, дастур доирасида 100 дан ортиқ бемор болалар учун факторлар келтирилиб, факторлар бериб борилади. Бу дастурни кенгайтириш бўйича музокаралар ўтказилмоқда. Давлат дастурлари бўйича республикада 1900 га яқин гемофилия беморлари учун 2020 йилда 40 миллиард сўмдан ортиқ маблағлар ҳисобидан қон ивиш факторлари сотиб олинди. Ново-Нордиск гемофилия фонди билан “Гемофилия беморларига мултидисциплинар тиббий ёрдам кўрсатишни ривожлантириш” 2019-2021 йилда ҳамкорлик дастури асосида гемостаз лабораторияси хизматини ривожлантириш мақсадида замонавий Сисмекс компаниясининг коагулометрини, агрегометр, микроскоп, центрифуга жиҳозлари олинди. Марказ ва вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари врач лаборантлари ўқитилди ва малакаси оширилди. Немис олимлари билан ҳамкорликда болаларда учрайдиган бирламчи иммунодефицит ҳолатларини ўрганиш бўйича лойиҳа мавжуд бўлиб, унга кўра иммун танқислик ҳолат бўлган болаларнинг иммуноглобулин етишмовчилиги ва унинг етишмовчилигига олиб келувчи иммунофенотипик ва молекуляр-генетик нуқсонлар ўрганилиб борилмоқда. Турк гематологлари билан ҳамкорликда миелома касалларини даволаш протоколлари, уларда ўзак хужайралар трансплантациясини ўтказиш, ўзак хужайраларини ажратиб олиш, сақлаш, музлатиш ва кейинчалик трансплантация учун қўллаш каби йўналишларда ҳамкорлик лойиҳалари ўтказиб келинмоқда. Россия Федерацияси халқаро ҳамкорлик меморандумлари асосида марказ болалар бўлими халқаро мултимарказ тадқиқотларни ALL-MB-2008 дастурида (Россия) иштирок этмоқда, бунинг натижаси сифатида бугунги кунгача ўтқир лимфобласт лейкоз билан касалланган 450 га яқин болалар ушбу дастур бўйича даволанди ва 78 фоиз ремиссияга чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги”, “Ўзбекистон Республикасида гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2021 йил 27 майдаги

► (Давоми 3-бетда)

Муносабат

ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ОНКОГЕМАТОЛОГИЯ
ХИЗМАТЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

► (Давоми. Боши 2-бетда)

“Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги” қарорининг қабул қилиниши гематология ва онкогематология соҳасини ривожлантиришда яна бир муҳим кадам бўлди. Куни кеча қабул қилинган қарор асосида аҳолига ихтисослаштирилган гематологик ва онкогематологик хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Арнасой кўчасида янги барпо этилган тиббиёт муассасасининг иккита биносига кўчирилмоқда. Гематология хизматининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаиб, кадрлар салоҳиятини оширилмоқда. Самарали равишда касалликларни олдини олиш ва эрта аниқлаш тизимини янада ривожлантириш, шунингдек, илгор ташхис усулларини жорий этиш, онкогематологик ва даволаш қийин бўлган кон тизими касалликларига чалинган беморлар, айниқса болаларни даволашда қулай шарт-шароитларни яратилмоқда. Болалар ва катталар онкогематологик ва гематологик хизмати бўлим ва бўлимлари жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган алоҳида биноларга жойлаштирилди. Шу билан бир қаторда вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари қошида катталар учун гематология, болалар учун гематология, онкология ва клиник иммунология филиаллари ташкил қилинади. Бунинг натижасида болалар ва катталарга алоҳида онкогематологик хизмат кўрсатиш ишлари ташкил этилади. Янги бино корпусларида катталар онкогематология ва гематология ва болалар онкогематология, гематология ва клиник иммунология касалликлари аниқланган беморлар учун мултидисциплинар хизмат кўрсатиш, мақсадида, тар-

кибида барча тор мутахассисларидан иборат маслаҳат поликлиникаси фаолият юритади. Стационар шароитида даволанувчи беморлар учун қабул бўлими, тегишли клиника бўлимлари ташкил этилади. Катталар (160 ўрин-жой) ва болалар (140 ўрин-жой) бўлимларида палаталар бир ва икки кишилик, санитария хонаси билан бўлиб, бу беморнинг ҳар хил инфекциялар билан мулоқотда бўлишни олдини олишга имкон яратади. Бўлимларида муолажалар, қон куйиш, кимёвий дори воситаларини тайёрлаш, стерил ва эндолумбал пункция амалиёти ва бошқалар учун алоҳида хоналар ажратилади. Ҳар бир алоҳида қурилган бинолар таркибида жарроҳлик, бокс хоналардан ташкил топган реанимация, алоҳида стерил бокс хонали трансплантация бўлимлари ташкил этилади. Бу бўлимлар палаталарининг ҳавоси махсус мосламалар - конденционер вентиляция ёрдамида стерил ҳолатни сақловчи микроклиматни яратади. Янги диагностика бўлими ташкил этилади. Унда одатдаги тадқиқот усуллари билан бир қаторда янги лаборатория ва бўлимлари ташкил этилади. «Янги форматдаги бактериологик лаборатория», юқори технологияли илмий лабораторияларнинг бўлимлари: «Молекуляр генетика, цитогенетика ва цитофлуометрия лабораторияси», «Морфология, гистология ва иммуногистокимё лабораторияси», «Иммунофенотиплаш ва HLA генотиби лабораторияси», «Иммунохимия лабораторияси» ва инструментал ва рентгенорадиологик ускуналар - мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ), магнит-резонанс томография (МРТ), замонавий ультратовуш диагностикаси (УЗД), рақамли рентген аппарати, денситометр, позитрон эмиссион томографияси (ПЭТ/КТ) билан таъминланган функционал диагностика бўлимлари ташкил қилинади. Трансплантология

бўлимида беморларда жаҳон стандартларига жавоб берадиган, асептик шароитлари муложам бўлган, жумладан аллоген трансплантация амалга оширилади. Бўлим жарроҳлик, операцион блок, интенсив терапия ва реанимация бўлимидан иборат бўлади. «Қон банки» клиникадаги беморларни сифатли ва хавфсиз қон компонентлари билан узлуксиз таъминлаш, тромбоконтрат тайёрлашни амалга оширади. Гематология марказида рўйхатга олинган онкогематологик беморлар ҳақидаги маълумотларни йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш учун автоматлаштирилган ахборот тизими «Канцер-регистр» яратилади. Гематологик хизматни, илм-фанни ривожлантириш мақсадида илмий кадрлар ва мутахассис кадрлар салоҳиятини кўтаришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади. Марказнинг илмий бўлимида гематология марказини филиаллар билан ишлаш, халқаро алоқалар, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув, илмий онкогематология, иммунология, ирсий коагулопатиялар ва тромбозлар илмий, болалар онкологияси ва радиацион терапияси, жарроҳлик, анестезиологик ва реанимацион тадқиқотлар бўлимлари ва анемия маркази ташкил этилади. Марказ ходимларини салоҳиятини юқори малакали кадрлар даражасига кўтариш мақсадида улар етакчи хорижий тиббий таълим муассасалари ва клиникаларида, жумладан, марказ хисобидан, жарроҳлик, трансплантология, анестезиология ва реанимация, трансфузиология, радиология ва радиацион терапия бўйича қайта тайёрланади ва малакасини оширилади. Вилоятларда катталар учун гематология филиаллари, болаларда гематология, онкогематология ва клиник иммунология филиаллари фаолият стратегиясини белгилаб бериш, доимий ва узвий такомиллаштириш кўзда тутилган ҳолда, худудлар-

даги мутахассисларини малакасини оширишга ҳам эътибор қаратилади. Ходимлар танқислиги клиниканинг мавжуд салоҳиятини аниқлаш ва танлаб олиш, тиббиёт олий ўқув юртлари битирувчиларини клиник ординатура ва докторантурага жалб қилиш (камида 20 нафар шифокор) ва гематология марказининг филиалларидан камида 24 нафар ординаторларни вилоят ҳокимларининг грантлари ҳисобига ўқитиш ҳисобига қопланади. Марказга барча шароитлари тайёр бўлганидан кейин 60 ўринли болалар онкологияси хизматини кўчирилади, ҳамда марказда болалар клиник иммунологияси хизмати ташкил этилади. Бинонинг алоҳида корпусида 2012 йилнинг 1-январидан мустақил «Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази» ташкил этилади. Болалар онкогематология хизмати структураси қуйидагилардан иборат: 1 ва 2 онкогематология бўлими 80 ўринли, умумий гематология бўлими 30 ўринли, шундан 10 таси янги ташкил қилинаётган жарроҳлик ўринлардан иборат бўлиб, гематология, онкогематология, онкология ва клиник иммунология касалликлари ташхисланган беморларга хизмат қилади. Маслаҳат поликлиникаси, кундузги даволаш ҳамда қабул бўлимлари алоҳида кириш қисми ва ҳамма шароитлари билан ташкил этилади. Тошкент шаҳари ҳокимлиги, Ўрта таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда халқаро хайрия фондлар ва ҳомийлар

ёрдамида ўқишни узлуксиз давом эттириш мақсадида бемор болалар учун мактаб ташкил этилади. Мактабда республика миқёсида ўқишни давом эттириш учун офлайн ва онлайн ўқитиш тизими киритилади, бу бемор болаларнинг ўқув фанларини самарали ўзлаштиришига, дастурдан қолиб кетмаслигига имкон беради. Гематология, онкология ва клиник иммунология, жумладан лейкоз касалликлари бўлган бемор болалар узлуксиз даволаниши ва протокол бўйича тўлиқ даволаниш жараёнини амалга оширишлари мақсадида, кундузги даволаниш вақтида ота-оналари билан яшашлари учун, ҳамма қулайликларга эга бўлган 200 ўринли «Хостел» халқаро хайрия фондлари ва ҳомийлари ёрдамида ташкил этилади. Марказ амалиётига жаҳон стандартларига жавоб берадиган юқоритехнологик диагностика усуллари, юқори дозали ва интенсив полихимиотерапия даво усуллари, трансплантация, жумладан, аллоген, амалиётини жорий этилиши ва беморлар учун барча зарур шароитларнинг яратилиши, махсус дори воситалари билан таъминланишнинг яхшиланиши, таргет терапияларининг қўлланилиши онкогематологик беморларнинг 70-85 фоизгача ҳолларда ремиссияга чиқишига ва тўлиқ тузалишига, улар орасида ноғиронлик ва ўлим ҳолатининг камайишига олиб келади, бу ўз навбатида аҳоли саломатлиги ва ҳаёти сифати ва давомийлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Хулоса ўрнида шунни айтиш жоизки, мазкур тизим бўйича амалга оширилган ишлар самарадорлигини янада яхшилаш ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш бугунги даврнинг муҳим талабларидан бирidir.

Миралишер ИСЛАМОВ,
Республика ихтисослаштирилган гематология
илмий-амалий тиббиёт маркази директори.
Азиза МАХМУДОВА,
марказнинг илмий ишлар бўйича
директор ўринбосари.

Семинар

1000 НАФАР БОЛАДА КОХЛЕАР ИМПЛАНТАЦИЯ ЎТҚАЗИЛДИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Айтиш лозимки, мазкур халқаро семинарни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад – эшитишда нуқсон бор болалар муаммолари бўйича эришилган натижаларни муҳокама қилиш, реабилитация сифатини яхшилаш мақсадида янги сурдо-педагогик ишланмаларни амалиётга кенг татбиқ этиш, илмий ишлар самарадорлигини янада ошириш ҳамда ўзаро тажриба алмашишдан иборат.

Дастлаб семинарда Ўзбекистонда биринчи бор психология фанлари доктори Инна Коро-

лева маъруза қилди. У ўз маърузаси орқали қар болалар билан кўп йиллик иш тажрибаси, кохлеар имплантация операциясидан кейинги беморларнинг нутқини ривожлантириш услублари ҳақида сўз юритди. Шу билан бир қаторда беларуслик мутахассис Светлана Бурнос кўшиқ куйлаш орқали бемор болаларда нутқни ривожлантириш усули ҳақида тақдимот қилди. Якуний маъруза орқали эса ўзбекистонлик мутахассислар юртимиздаги болалар реабилитацияси тажрибалари билан ўртоқлашди.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, сўнгги йилларда юртимизда эшитишда нуқсон бор ва қар болаларда кохлеар имплантация операциялари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Биргина 2016 йилда “Нейросенсор қар ёки заиф эшитадиган болаларда кохлеар имплантатлардан фойдаланган ҳолда операциялар ўтказиш” бўйича 150 нафар бола қамраб олинган бўлса, 2018 йилда 239 нафар, 2019 йил 320 нафар, 2020 йилда эса 225 нафар заиф эшитувчи бемор болаларда жарроҳлик операциялари амал-

га оширилиб, ўтган давр мобайнида бу рақам 1000 нафардан ошди. Айниқса, сўнгги йилларда республикамизда кохлеар имплантация дастурини молиялаштириш кўрсаткичлари янада ортгани қувонарли, албатта.

Таъкидланишича, болада нутқни ривожлантириш даври бўлмиш операциядан кей-

Мутахассисларнинг фикрича, айтиш қасаллик билан оғриган беморлардан “эшитяпман, гапиряпман, яшаяпман”, деган сўзларни эшитиш энг катта натижадир.

Самарканд вилояти соғлиқни сақлаш бош бошқармаси матбуот хизмати.

инги муддатнинг аҳамияти жуда муҳим. Яъни бу пайтда сурдопедагоглар беморларнинг ота-оналари билан биргаликда ҳар куни шуғулланиш, тўғри ёндашувни ташкил қилиши керак. Эрта ўтказилган ташхислаш, жарроҳлик амалиёти ва тўғри реабилитация жараёнари натижасида бола умумтаълим мактабларига тўлақонли қатнаши ва тенгдошларидан фарқ қилмаслиги мумкин.

Матбуот анжумани

ТИББИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Кунни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан “Соғлиқни сақлаш соҳасини рақамлаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаси” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг масъул раҳбарлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги “IT-Med” МЧЖ мутасадди ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этди.



Матбуот анжуманида 2021 йил 23 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш соҳасида рақамлаштириш ишларини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди, – дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари **Абдулла Азизов**. – Ушбу қарорга мувофиқ, “IT-Med” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди ва унинг зиммасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилди: лойиҳа ва лойиҳаолди ҳужжатларини ишлаб чиқиш, соғлиқни сақлаш тизими ва ташкилотларидаги жараёнларни оптималлаштириш, рационаллаштириш, стандартлаштириш ва автоматлаштириш, тиббиёт ва фармацевтика соҳасида ахборот технологияси ва коммуникациялари сиёсати ва стандартларини жорий этиш, “Электрон соғлиқни сақлаш” ахборот тизимлари ягона комплексини жорий этиш ва кузатиб бориш, шунингдек, уларнинг бошқа давлат органлари ахборот тизимлари билан интеграциясини таъминлаш, соғлиқни сақлаш тизимида бизнес жараён ва IT-реинжинирингини ривожлантириш ва ушбу йўналишда халқаро тажрибани амалиётга тағйирлаш, тиббиёт соҳасини рақамлаштириш қўламини кенгайтириш мақсадида жорий этилаётган ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни ўзида камраб олувчи соғлиқни сақлашнинг ахборот тизими ягона платформасини жорий этиш.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Ушбу йўналишда олиб борилган тадбирлар доирасида тегишли тиббиёт муассасаларида бир қатор ахборот тизимлари, жумладан, “Электрон поликлиника”, “ТМЭК”, “Наркологик диспансер”, “Психологик диспансер”, “Бемор”, “Эмлаш”, “Хатлов”, “Туғилиш ва ўлим”, “ПЦР-тест тизими” ва бошқалар ишга туширилган. Бугунги кунда Соғлиқни сақлаш тизимида 3 106 та муассаса мавжуд бўлиб, 80 минг на-

тиқ беморларнинг маълумотлари шакллантирилди. Рухий касалликлар диспансери, наркология диспансери ҳисобида турганлик ва ногиронлик тўғрисидаги (ТМЭК) маълумотлар рақамлаштирилди ва Электрон ҳукумат тизимига интеграция қилинди. Бу борадаги маълумотларни онлайн олиш имконияти яратилди ва унинг натижасида қоғозбозликка чек қўйилди. Бундан ташқари, Канада, Австрия, Литва, Корея Республикаси, Эстония давлатлари тажрибаси ўрганилиб, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш стратегиясининг лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Матбуот анжумани давомида соғлиқни сақлашни рақамлаштиришда кўзда тутилган ис-

шифоҳона, электрон рецепт, лаборатория ва радиология ҳамда сунъий интеллектга асосланган тизимлар амалиётга жорий этилади. Тадбир давомида ахборот тизимларининг тиббий хизмат сифатини оширишдаги муҳим роли, рақамлаштириш натижасида тиббий хизматлар ва умуман соғлиқни сақлаш соҳаси самарадорлиги ва тезкорлиги кўрсаткичлари яхшиланиши таъкидланди.

Тез тиббий ёрдам тизими фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида “103” ягона ахборотлаштирилган бошқарув тизими Тошкент шаҳрида тажриба лойиҳа доирасида ишга туширилди. Жаҳон банки молиялаштирган ушбу лойиҳа доирасида “Тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш” мақсадида қўнғироқларни қабул қилиш ва қайта ишлашни автоматлаштириш, маълумот алмашиш ва тез тиббий ёрдам бригадаларини бошқариш бўйича шойиначи тиббий ёрдамнинг марказлаштирилган ахборот тизими курси тематик такомиллаштириш бўйича ўқитиш ўтказилди ва курсларни тамомлаган мутахассисларга сертификатлар топширилди. Ҳозирда Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам хизмати томонидан “103” автоматлаштирилган бошқарув тизими учун қуйидагиларни таъминлашга

яратилиш, кўриши.

Бир маротаба олинган маълумотлар тизимда электрон тарзда бригадага тўғридан тўғри узатилади ва бу билан вақтнинг бир неча маротаба камайишига олиб келади. Бу тизим ўрнатилишидан аввал эса чақирик ҳақидаги барча маълумотлар аввал диспетчер томонидан қоғозга тушириб олинган эди. Шундан сўнг, телефон орқали бригадаларни йўналтирувчи иккинчи диспетчерга айтилиб, у ҳам қоғозга юқоридаги маълумотларни қайта тушириб, бригадага шу иккинчи марта тўлдирилган қоғоз билан хабар узатар эди. Қолаверса, янги тизим орқали чақирикдан бўш бўлган ва чақирик манзилига энг яқин бўлган тез тиббий ёрдам бригадасига хабар узатиш имкони яратилди ва уларнинг ҳаракати онлайн кузатиб борилади. Натижада, қўнғироқ келиб тушгандан бригада манзилга етиб боргунча бўлган вақт 2 бараварга, кечикишлар 9 фоизга қисқарди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари Абдулла Азизов маълум қилишчи, Соғлиқни сақлаш тизимида ишга туширилган ахборот тизимларнинг бошқа вазирлик ва идораларнинг (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ва Ижтимоий ҳимоя ягона реестри, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат хизматлари агентлиги, ФХДЁ, “Рақамли Тошкент”, Электрон ҳукумат, Давлат тест маркази, Давлат персоналлаштириш маркази) ахборот тизимлари, жами 10 дан ортиқ ташкилотлар билан интеграцияси амалга оширилган. Шунинг натижасида фуқаролар ҳаётида учраб турадиган кўплаб тиббий хизматлардан фойдаланишда тезкорлик ва қоғозли ташувчилардан воз кечиш каби афзалликлар киритилди.

Яна бир янгиллик. Президентимизнинг 2021 йил 25 майдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2021 йил 1 июндан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси тузилмаларига амалдаги штат бирликлари доирасида бошлиқнинг рақамлаштириш ва давлат-хусусий шериклик бўйича ўринбосари лавозими жорий қилинди.

Бундан ташқари, ҳар бир оилавий шифокор пункти, оилавий поликлиника ҳамда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникасида электрон тизим билан ишлайдиган бир нафардан IT оператор – ҳамшира лавозими киритилади.



фар шифокорлар фаолият олиб бормоқда. Яратилган ахборот тизимлари уларнинг меҳнатини энгиллатиш, беморларнинг мушкулани осон қилишга хизмат қилади. Аҳоли ўртасида патронаж текширувларини оптималлаштириш, хавф гуруҳларига ажратиш мақсадида “Хатлов” электрон тизими ишга туширилди. Тизимда 30 миллион нафар аҳолининг маълумотлари шакллантирилди. “Электрон поликлиника” ахборот тизимига 423 та бирламчи тиббиёт муассасалари уланиб, 10 546 нафар тиббиёт ходимлари рўйхатдан ўтказилди ҳамда 9 миллион нафарга яқин беморлар ҳақидаги маълумотлар киритилди. Шифокорларнинг иш жадвалини онлайн кўриш ва уларнинг қабулига масофадан ёзилиш имкони яратилди.

– Коронавирус инфекциясига қарши эмлаш ҳисобини юритиш бўйича “Emlash.uz” тизими ишга туширилди, – дейди **Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари Абдулла Азизов**. – Тизимда 5,4 минг нафар фойдаланувчи томонидан 4,1 миллион нафар аҳолининг маълумотлари шакллантирилди ҳамда эмланганлик тўғрисида онлайн сертификат олиш имконияти яратилди. Коронавирус инфекциясини даволашга ихтисослашган шифохоналар ва поликлиникаларда беморлар, тиббиёт ходимлари, тарқатилган дори воситалари, тиббий ускуналар ҳаракати ва ҳисобини олиб боришга имкон берувчи “bemor.ssv.uz” тизими ишга туширилди. Тизимда 1 640 та тиббиёт муассасалари бўйича 19 342 нафар фойдаланувчилар яратилиб, 270 минг нафардан ор-



тиқболли йўналишлар ҳам белгилаб берилди. Хусусан, соҳада ахборот технологияларини жорий этиш бўйича ягона стратегияни ишлаб чиқиш ишлари, жумладан рақамли соғлиқни сақлаш платформасини яратиш, тиббий хизматлар сифатини яхшилайдиган янги тизимларни йўлга қўйиш, тиббиёт муассасаларнинг ахборот технологик инфратузилмасини ривожлантириш, соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш каби масалалар ҳақида тўхтаб ўтилди.

Таъкидлаш муҳимки, жорий йилда “Электрон ордер”, “Телемедицина”, “Тиббий жиҳозлар ҳисоби”, “Кадр ресурслари”, “Онлайн ўқитиш”, “Тиббий суғурта” каби тизимларни ҳамда мобил иловаларни ишга тушириш ҳам режалаштирилган. 2022–2025 йилларда ягона электрон тиббий карта, электрон

имкон берадиган дастурий аппарат комплекс жорий этилган:

- қўнғироқларни қабул қилиш, хизмат кўрсатиш ва рўйхатдан ўтказишни бошқаришнинг самарали механизми;

- тез тиббий ёрдам автомашиналарини бошқаришни назорат қилиш, мониторинг қилиш ва оптималлаштириш;

- диспетчерлик хизматини реал вақтда бошқариш, таҳлил, маълумотнома ва ҳисоботларни автоматик яратиш;

- ягона маълумотлар базаси шакллантириш;

- қўнғироқларни тезкор рўйхатдан ўтказиш ва бемор ҳақида маълумот олиш;

- ҳисобот ҳужжатларини

Хамкорлик ришталари

МИОПИЯНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА VISION ТЕРАПИЯ” ҲАЛҚАРО МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Кунни кеча DMC Инновацион клиникасида “Ўзбекистон – Россия миопияни назорат қилиш ва vision терапия” халқаро маркази очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Шунингдек, тадбир доирасида “Миопия назорати? Бу – ҳақиқат” мавзусида Халқаро илмий-амалий конференция онлайн тарзда олиб борилди.

лари натижаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда айнан болаларда миопия касаллиги кенг авж олмақда ва ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон офтальмолог

оптометрия академияси, Даволаш профилактик муассасалардаги (ДПМ) оптометрия ва миопияни назорат қилиш марказлари орқали баргараф этилади. Миопия институти на-

гиялар – ҳаво ўтказувчи склерал контакт линзалар, гибрид контакт линзаларни тадбиқ қилиш, миопиянинг ривожланишини тўхтатиш-барқарорлаштириш (myopia control) учун самарали усулларни аниқлашга ёрдам берадиган кўп тармоқли илмий ва клиник тадқиқотларни ташкил қилиш, мувофиқлаштириш ҳамда ўтказиш, эпидемиологик тадқиқот, тарғибот ва ташвиқот фаолиятини олиб бориш.

Тадбир давомида “миопия назорати? бу – ҳақиқат!” мавзусида Халқаро Илмий Амалий онлайн конференция ўтказилди. Россия Оптометристлар миллий ассоциацияси



Анжуманни DMC Инновацион клиникаси бош шифокори, Ўзбекистон офтальмолог ассоциацияси президенти Зулфия Мақсудова кириш сўзи билан очиб, икки давлат ўртасида ташкил этилаётган Халқаро марказ тўғрисида тўхталиб, бу каби эзгу мақсадли ишлар халқимиз саломатлигига қаратилганлигини таъкидлади. Россия Оптометристлар миллий ассоциацияси раҳбари, Миопия миллий институти директори, Тиббий оптика ва оптометрия академияси илмий раҳбари, профессор Александр Мягков ҳам сўзга чиқиб, мамлакатимизда офтальмология соҳасида амалга оширилаётган муваффақиятли фаолиятларга алоҳида тўхталиб, хамкорликда очилаётган марказ хусусида ҳам ўз фикрини билдириб ўтди. Сўнгра, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Бош офтальмологи Азамат Юсупов ҳамкорликдаги марказнинг инсонлар саломатлиги йўлида алоҳида аҳамият касб этишини, шу билан бирга кўз касалликларини олдини олишда муҳим пойдевор бўлиб, хизмат қилиши хусусида тўхталди.

Таъкидлаш муҳимки, ушбу марказ Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, “Ўзбекистон офтальмологлар ассоциацияси” ННТ ва Россиянинг “Оптометристлар миллий ассоциацияси” ХЖТ ҳамкорлигида DMC Инновацион клиникаси қошида ташкил қилинди. Маълумки, ҳозирги ахборот технологиялар, инновациялар асрида инсонлар ҳаёт ва иш фаолиятига гаджетларнинг кенг қўламда кириб келиши натижасида бутун дунёда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам миопия, астигматизм билан касалланиш ошиб бормоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотиغا кўра Ер юзиде 30 фоиз одам миопия билан оғрийди. Жанубий Шарқий Осиёнинг баъзи худудларида бу кўрсаткич 90 фоизгача кузатилади. Миопия аниқланиши сўнги 30 йилда 1,7 мартага, яъни 25 фоиздан 42 фоизга ортган ва 2050 йилга бориб дунё аҳолисининг қарийб ярмида, яъни 4,5 миллиард одамда бу хасталик кузатилиши қайд этилган.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон офтальмологлар ассоциацияси, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, ҳамда DMC Инновацион клиникасининг сўнги йиллардаги клиник таҳлил-



ассоциацияси президенти Зулфия Мақсудованинг таъкидлашича “Болалардаги миопия бошланғич босқичларда эмас, балки кейинги асоратланган даврларда аниқланмоқда, касалликни баргараф қилиш ва ривожланишини тўхтатишда асосий даво ҳисобланган кўзойнақлар тайёрлаш бўйича техник мутахассислар (оптометристлар) тайёрлаш ва сертификатлаш марказлари мамлакатимизда мавжуд эмас, контакт линзалар ишлаб чиқарувчиларнинг аксарияти давлат рўйхатидан ўтмаган, шунингдек, болаларда аметропиялар, хусусан миопияни статистикаси, назорат қилиш, ривожланишини тўхтатиш, уни барқарорлаштириш учун самарали, аниқ режа ва дастурлар ишлаб чиқилмаган. Бу муаммолар жаҳоннинг ривожланган давлатлари, хусусан Россия федерациясида Миопия миллий институти, Тиббий оптика ва

зорати остида касаллик чуқур ўрганилади, диагностика, даволаш, профилактика чора тадбирлари аниқ режа ва дастурлар асосида ўтказилади”.

Марказнинг асосий вазифалари бу Республикаимиз аҳолиси ўртасида миопия ривожланишини комплекс тарзда назорат қилиш, турли ёшли беморларда аметропияларни, хусусан миопияни баргараф қилиш усулларини ишлаб чиқиш, миопияни даволаш ва профилактикаси учун замонавий технологияларни – ортокератология, назорат қилинувчи периферик дефокусли юмшоқ контакт линзаларни тадбиқ қилиш, шох парданинг эгрилиги туфайли юзага келувчи рефракцион ҳолатларни баргараф қилиш учун замонавий техноло-

раҳбари, Миопия миллий институти директори, Тиббий оптика ва оптометрия академияси илмий раҳбари, профессор Александр Мягков ўзининг маърузасида ушбу марказ ёш авлоднинг кўришини ҳимоя қилишда кечиктириб бўлмайдиган зарурат эканлиги ва Ўзбекистон тиббиёти учун жуда аҳамиятли лойиҳа бўлишини Россия федерацияси тажрибаси мисолида аниқ далиллар асосида кўрсатиб берди. Анжуман давомида Россия Федерацияси Миопия миллий институти ва DMC инновацион клиникаси ходимларининг маърузалари ҳамда фаол мулоқот, мунозараларга, савол жавобларга сабаб бўлди.

Онлайн конференциянинг барча иштирокчилари махсус халқаро сертификатлар билан тақдирланишди.

Ибодат СОАТОВА,
журналист.

● Тиббиёт тарихига бир назар

НОДИР ХОТИРА СОҲИБИНИНГ ЮКСАК МЕРОСИ

Инсон буюк олим бўлиб туғилмайди, у ҳаёти ва фаолияти жараёнида шаклланади, етилади. Аслини олганда, ҳар бир киши туғилганидан буюк истеъдод эгаси бўлиб етишиш имкониятларига эга бўлиши мумкин, аммо уларнинг барчаси ҳам буюк мақсадга эришиш учун лозим бўлган ўта кучли характерга эга бўлавермайди ва натижада буюк инсон даражасига етаолмайди.

Буюклик даражасига чўқурилган инсонларнинг аксарияти кучли феноменал хотирани кишилар ҳисобланади. Феноменал хотира – ёлгон, уйдирма ёки афсона эмас, балки ҳақиқатда мавжуд воқелик, қобилият, маҳорат бўлиб, туғма ёки орттирилган бўлиши мумкин. Феноменал хотирани инсонлар фавқулодда кучли имкониятлари билан башариёт ривожига улкан ҳисса қўшганлар ва қўшмоқдалар.

Феноменал хотира - фанда «эйдети», «фотографик», «кўришга оид» хотира деб аталади. Бундай хотирани инсонлар ҳақиқий талант эгаси бўлгани учун, халқ орасида улардек истеъдод эгаларини юксак даражада ҳурмат қилиб, улар билан фахрланадилар ва уларга ўхшашга, фарзандларини улар даражасида тарбиялашга интиладилар.

Эйдетиқ хотира – ўта ноёб ҳодиса. «Эйдетиқ» тушунчасини биринчи бўлиб 1907 йили Сербиялик олим В. Урбанчич психология фанига киритган. Бундай хотира эгалари улуг истеъдод соҳиблари бўлиб етишади ва ҳаммани ўзига мафтун қилади. Эйдетиқ сўзининг қадимий грекчадан таржимаси - тасаввурдаги тасвир, кўришиш, сиймо ёки ташки қиёфа маъносини билдиради.

Феноменал кучли ва ноёб хотира, улкан истеъдод ва шон-шухрат соҳиблари бўлган буюк шахсларнинг аввали башариёт фани таракқиётига бекиёс улкан ҳисса қўшган Моваруннахрлик буюк донишманд, жаҳон фанлари тарихида комусий олим сифатида тан олинган, чуқур хотирали, ўткир ақли ва олов юракли инсон Абу Али Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн Ҳасан ибн Али ибн Сино ҳисобланади. XII асрдан бошлаб ғарб мамлакатларида Авиценна номи билан машҳур олимнинг қолдирган бой ва серқирра илмий мероси жаҳон фани ривожига ижобий таъсир этишда давом этмоқда.

Абу Али Хусайн ибн Сино 980 йилнинг 16 августидан Сомонийлар давлатининг пойтахти, салобатли, ғоят гўзал Бухоро (Бухоро-и-Шариф), яқинидаги Афшона кишлоғида туғилган ва 1037 йилнинг 18 июнида Исфаҳон подшоҳлигига қарашли Ҳамадон шаҳрида вафот этган. Хусайн ибн Сино ҳаётлигидаёқ афсоналарга сабаб бўлган юксак истеъдод эгаси бўлган. Унинг бекиёс ақл-идроки, донишмандлиги, жуда кўп йўналишдаги билимлар мажмуасини билганлиги, минглаб касалликларни аниқлай ва

даволай оладиган ажойиб шифокорлиги ҳақида эртақлар, афсоналар ва ривоятлар халқлар оғзаки ижоди ёрдамида ҳозиргача етиб келган. Халқлар ўзларининг эзгу орзу-умидларининг рўёбга чиқишини Хусайн ибн Сино номи билан боғлаганлар. Натижада уни ҳаётлик чоғида қозongan шон-шухратига қараганда бир неча баробар ортик истеъдод соҳиблари сифатида акс эттирувчи жуда кўплаб нақллар, эртақлар, афсоналар ва ривоятлар юзага келган. Қадимий шарқ ривояти ҳикоя қилади: - Шарқнинг улуг истеъдод соҳиблари, даҳо Хусайн ибн Сино тонг сахарда туғилиб ёруғ дунёга келганида, одамлар чақалоқ йиғисини эмас, қулгисини эшитган эканлар, Афшона кишлоғидаги барча қушлар сайраган экан. Хусайн ибн Сино онаси Ситорабону янги туғилган чақалоқни устини кўрпа билан ёпган ҳолатни шогирди Абу Убайд Жузжонийга сўзлаб қуйидагича таърифлайди: «Мен бирдан ёруғлиқни кўрдим, сўнгра яна қоронғилик, зулмат чўқди». Хусайн ибн Синонинг жуда ҳам ёшлик пайтидаги намоён бўлган фавқулодда хайрон қоларли фахмлаш қобилияти, сезгирлиги ва кузатувчанлиги унинг кейинги ҳаёт жараёнида ҳам ёрқин намоён бўлди ва қатор афсона ва ҳикоятларда ўз ифодасини топди. Хусайн ибн Сино меҳнаткашлигининг чегараси бўлмаган. Турли манбаларда келтирилишича олим ўздан кейин 450 дан ортик бир неча саҳифадан то бир неча жилдгача бўлган асар ёзиб қолдирган, лекин ҳозиргача 276 таси етиб келган ва улардан ўрганилганлари, ўрганилиш босқичидагилари ва ўрганилишни кутаётганлари анчагина. Тиббиётга оид 43 кўлэзма асарларидан 30 дан ортиги бизгача етиб келган. Улардан ўлмас Тиб Қонунлари («Китаб аль-Канун фи-т-Тиб») ва Тиббий уржуза («Уржуза фи-т-тиб») жуда машҳурларидан ҳисобланади. Замондошлари Хусайн ибн Синони «Донишмандлар сардори, алломалар бошлиғи» («Шайх ар-Раис»), «Салтанат шарафи ва ифтихори» («Шараф ал-Мулк»), «Ростлик далили, обрўси» («Хужжат ал-ҳаққ»), «Ислом обрўси» («Хужжат ал-Ислом»), «Донишмандлар вазири» («Ҳақим ал-вазир»), «Буюк табиб» («Ҳақими Бузург») деб атаганлар.


Охириги 10 аср давомида олимлар ва тадқиқодчилар томонидан, «Абу Али ибн Сино (Авиценна) - энг машҳур мусулмон олими ва барча халқлар ва даврларнинг энг машҳур кишиларидан бири», «Ақл-заковатнинг ажойиб мўжизаси», «Тиб-

биёт дунёсининг куёши», «Халқ табобати осмонидаги куёш», «Файласуфларнинг дохийиси ва султони», «Чуқур хотира, ўткир зеҳн ва оловли қалб соҳиблари», «Шарқ ва Ғарбнинг юраги», «Авиценна – олов пурковчи вулконларни таъминловчи ер қаридаги кўринмас оташдон» деб улуғланган ва улуғланмоқда. Европада Хусайн ибн Синони Гален билан тенглаштириб Ислом Галени ва шифокорлар Султони («princeps medicorum») деб атаганлар. Шу ўринда доктор Де Пурнинг «Тиббиёт мавжуд эмасди - Гипократ уни яратди, ўлик эди – Гален унга жон киритди, тарқок эди – Ар-Розий уни тўплади, мукамал эмасди - Хусайн ибн Сино (Авиценна) уни бутунлай такомиллаштирди» деган чиройли сўзларини келтириш ўринлидир. Олим ўз давридаги мавжуд фанларнинг қарийб барчаси (29 йўналиш) билан шугулланган, уларга оид асарлар ёзган ва жаҳон фанлари тарихида комусий олим сифатида тан олинган. Яҳудий ва испан олимлари ва шифокорлари уни «Абен Сена» деб атаганлар ва кейинчалик бу исм лотин тилига таржима жараёнида нотўғри талқин қилинган ва XII асрдан бошлаб ғарб давлатларида Хусайн ибн Сино «Авиценна» номи билан машҳур бўлган. Қадимий Русда (Киев Руси) уни Ависен деб атаганлар.

Жаҳон Тинчлик Конгресси алломани қуйидагича эътироф этган – «Гениал инсонларнинг қолдирган изларини асрлар оша ўзида сақлаб келаётган фан, адабиёт ва санъатнинг буюк дурдоналари бор-ки, улар барча халқлар учун ҳам умумбашарий хазинадир. Бу маданий мерос инсоният учун битмас-туганмас манба ҳисобланади ва унинг олдида умуминсоний келишув ва ҳамкорлик истиқболларини очиб беради. Ибн Сино ўзининг ижоди ҳамда яратган асарларининг аҳамияти жиҳатидан бутун инсониятга тегишлидир. Унинг фаолияти ҳақиқат ва ақл-идрок талабларига асосланган эди». Ҳа, бу айна ҳақиқат. Хусайн ибн Сино буюк тарихий шахс сифатида ўзининг кўпқиррали билими ва илмий мероси билан Шарқ ва Ғарб маданиятининг ривожига улкан ижобий таъсир кўрсатди ва ҳозирда ҳам ижобий таъсир кўрсатишда давом этмоқда.

Хусайн ибн Сино ҳаёти давомида феноменал мустаҳкам хотиралаш қобилиятини намоён қилди. У бир вақтнинг ўзида жуда катта ҳажмдаги ахборотни хотирасида сақлаш, тез ёдлаш, ўта аниқлик билан ҳодисалар ва ахборотларни эслаш, ва керак бўлганда уларни қайтадан тиклаш қобилиятига эга эди. Ундаги мазкур хусусият жуда ҳам ёшлигида пайдо бўлган ва ўсмирлик даврида ўта юқори даражада ривожланиб етган. Ёш Хусайн ўзининг кўришга оид сезгиларини ёшлигидан тартибга солиб, эслаб қолиш қобилиятини янада ривожлантиришга муяссар бўл-

ди. Хусайн ибн Синонинг қиёфавий хотирлаш қобилияти яхши ривожланганлиги сабабли ўқиган китоблари ва саҳифаларнинг аниқ қиёфасини ойлаб ва йиллаб сақлай олган. Эҳтиёж бўлганда олим керакли китоб ёки саҳифани ҳақиқий ҳолатидан қолишмайдиган шаклда қайта тиклай олган. Хусайн ибн Сино ўқиш жараёнида у китоб саҳифаларини хотирасига сурагга олгандек қабул қилиб узоқ вақтлар давомида ёдида сақлаган. Олимнинг хайратда қолдирадиган даражадаги кўриш хотираси гўёки ҳозирги замонавий сезгир фотоускуна каби керакли ахборотларни ёки илмий ҳужжатларни лаҳзада қайд этаолган. Фақат ўзигагина хос тасвирли кўришга оид хотираси, аввал қабул қилинган тасвир, қиёфаларни сақлаш ва қайта тиклашдаги фавқулодда истеъдоди (жумладан, китоб саҳифаларини ҳам) болалик ва ўсмирлик даврида ривожланди, шаклланди ва улғайиб қатор ўлмас асарларини ёзганида ёрқин шаклларда намоён бўлди. Хусайн ибн Сино билан боғлиқ қуйидаги воқеани ҳикоя қилдилар. Ёш бўлишига қарамай машҳур бўлиб улгурган Хусайн ибн Сино юқорида зикр этилган Сомонийларнинг Бухородаги «Савону-л-хикмат» номли кутубхонасидаги китоблардан узоқ йиллар фойдаланган. Бу кутубхона қадимий олимлар ва файласуфларнинг илм ва донолик муҳассам бўлган хилма хил нодир асарлари сақланган ўз давридаги энг катта кутубхоналардан бири ҳисобланган. Илмга ташна Хусайн китобларни ўқиб ўрганиш жараёнига шунчалик берилиб кетар эканки, қоронғу тушганини сезмай қолиб ҳарфларни ўқиш мумкин бўлмаган ҳолатдагина уйига кетаркан. Орадан кўп йиллар ўтиб, Хусайн ибн Сино шогирди Абу Убайд Ал-Жузжонийга ўз ҳаётининг баъзи лавҳаларини сўзлаб бераркан, айнан шу, яъни Сомонийларнинг «Савону-л-хикмат» номли машҳур кутубхонасини эслади: «Мен ўтмишдошларимнинг китоблари рўйхати билан танишиб, бу кутубхонада мен билмаган шундай китоблар топдимки, бундай асарларни кейинчалик қайта кўролмадим. У кутубхонада шундай китоблар бор эди-ки, кўп одамлар ҳатто уларнинг номини ҳам эшитмаганлар. Ўзимга керакли бўлган китобларни ўқидим, улардаги барча фойдали нарсаларни билиб олдим ва ҳар бир олимнинг ўз илмидаги ўрни менга аён бўлди. Менинг олдимда шунчалик чуқур билимларга этувчи дарвоза очилдики, мен буни гумон ҳам қилмаган эдим». Хусайн ибн Сино бу гўзал кутубхонада мавжуд китобларнинг аксариятини ўзлаштиришга муваффақ бўлди. Кутубхонада



бунгача Хусайндек иқтидорли, билимли ва тиришқок ўқувчи деярли бўлмаган.

«Савону-л-хикмат» кутубхонаси ўша даврда бутун Ўрта ва Яқин Шарқдаги энг катта ва бой кутубхоналар қаторида эди. Хусайн ибн Сино бир неча йил давомида шу кутубхонада кундузи-ю кечаси алла маҳалгача мутолаа билан машғул бўлиб, ўз даврининг энг ўқимишли, билим доираси кенг камровли кишиларидан бирига айланган. Хусайн ибн Сино фақат унинг ўзига хос иштиёқ ва илмга ташналик билан кутубхонадаги асарларни ўрганиб, олган билимларини ўз хотирасида умрининг охиригача сақлай олди. Қорахонийлар Бухорони эгаллаган пайтда кутубхонада ёнғин бўлиб аксари китоблар ва кўлэзмалар ёниб кетди. Бу фалокат Хусайн ибн Сино учун мисли йўқ даражадаги фожиа эди, чунки у «Савону-л-хикмат»даги барча китобларни ўқиб улгурмаган эди, лекин ўқиганларини хотирасида қайта тиклаб китоб шаклида ёздирди имконияти борлиги унга бирмунча тасалли бўлди. Кейинчалик у Хоразмда яшаб, фаол ишлаган даврларда Хоразмшоҳ руҳсати билан саройдаги китоб кўчирувчи хаттотларни бир уйга тўплади ва ҳар бирига бир китобни хотирасидан айтиб туриб талайгина кўлэзмаларни қайта тиклади. Хусайн ибн Синонинг ўзгаларникидан фарқли ва фақат унгагина хос меҳнат қилиш қобилияти билимларни тўла эгаллашига имкон яратди. Етиб келган маълумотларга қўра у Абу Убайд Ал-Жузжонийга қуйидаги эътиборга молик ҳолатни айтган: «Ўша пайтлар (ўн олти ёшлик даврида) ҳар тунда керагидан кам ухлардим, кундузи ҳам кун давомида фақат илмдан бошқа нарса билан шугулланмасдим. Тунда ўз хонамга қайтганимдан сўнг, олдимга мойчироқни ёқардим. ўқиш ва ёзиш билан шугулланардим ... қачонки уйку мени буткул енга бошласа, ухлардим, аммо уйкумда ҳам худди ўнгимдагидек саволларга жавоблар излашни давом этдирардим ...

► (Давоми 7-бетда)

Тиббиёт тарихига бир назар

НОДИР ХОТИРА СОҲИБИНИНГ ЮКСАК МЕРОСИ

► (Давоми. Боши 6-бетда)

Инсон имкониятлари чегараси даражасида мумкин бўлганча илмларни ўргандим ва барча билимларни мукамал эгалламагунимча шундай ҳаёт кечирдим».

Хусайн ибн Синонинг болалик ва ўсмирлик пайтларидаги уйқуси билан бедорлиги орасида деярлик фарқ мавжуд бўлмаган. Кун давомида аллома томонидан кузатилган барча кўринишлар ва қиёфаларни (жумладан, китоб саҳифаларини), ухлаган пайтда унинг хотираси тўлалигича ўзлаштирган. Унинг хотирасидан ҳеч бир белги четда қолмаган, атроф муҳитни қандай бўлса, шундай қабул қилган. Хотиранинг уйқу пайтидаги бундай фаолияти ёш олимга чексиз имкониятлар яратган. Ёш олим Хусайн ибн Сино инсон мияси маҳсули бўлган хотиранинг уйқу вақтидаги фаолиятини тўғри тасаввур қилган ва бу фойдали ва сермахсул жараёндан унумли фойдаланган. Қатор илмий тадқиқодлар хулосасига кўра инсон бош мияси ташқи муҳит билан бевосита алоқада бўлган уйғоқлик ҳолатидаги нисбатан уйқу пайтида фаолроқ ва унумлироқ ишлайди. Уйқу инсоннинг ижодий фаолиятини рағбатлантириши мумкин эканлиги исботланган. Хусусан, у ухлаётган бўлса-да, унинг миясида мутлақо қутилмаган ва қизқарли фикрлар ва алоқалар пайдо бўлиши мумкин, бу эса ижодий қарорлар қабул қилиш, янги усулларни излаш, шунингдек, ғайритабиий ривожланиш вариантларини кўриш имконини бе-

ради. Инсон мияси уйқу пайтида бажарадиган яна бир вазифа бу тана аъзоларининг иш қобилиятини тикланишини рағбатлантириш. Шу сабабли Хусайн ибн Сино беморларга кўпроқ ухлани (8-9 соат) тавсия қилган. Бу вақт тана аъзоларининг бузилган функцияларини тиклашга етарли ҳисобланади.

Абу Убайд Ал-Жузжоний устозининг иш фаолияти ҳақида куйидагича ҳикоя қилади: «Устоз ҳар кун маълум бир вақтда қоғоз, сиёҳдон ва пат қалам сўрайдилар ... Сўнгра уюм қоғозни олдиларига ёйдилар, бирма бир қоғоз варақларини олиб ҳар бир муаммони кўриб чиқадилар, ечимини тушунтириб ёзадилар. Устоз ҳар кун эллик саҳифа ёзишга улгурадилар ... Айни пайтда устознинг қўл остида ҳеч бир асар, бўлмайдими, илм манбаига қарамайдилар, барчасини ёдан, хотираларидан ёзадилар». Хусайн ибн Синонинг Исфажондаги уйида ҳар кеча шогирдлар тўпланишар эди. Улар устознинг китобларини мутолаа қилишар, янгиларини устоз айтиб турган сўзларидан ёзишар эди. Баъзан шифохоналардаги оғир беморлар аҳволини таҳлил қилишар эди. Кунларнинг бирида, устоз билан суҳбат пайтида, уйга Шероз шаҳридан келган чопар юборилган хат ва саволлар ёзилган бир ўрам қоғозларни олиб келди.

«Устоз мен эртага барвақт кетмоқчи эдим, - деди чопар, - агар Сиз жавобларни бир неча кун давомида ёзсангиз, унда мен кутаман.

Хусайн ибн Сино чопарга жавоб берди. Устоз шогирдлари билан мулоқотни давом эттирди ва саволларга кўз югуртирди.

Кечки намоз, ибодатидан сўнгра Абу Убайд Ал-Жузжоний устозга эллик доналарча қоғоз келтириб берди. Хизматкор мойчиroomни ёқди, сиёҳдон ва пат қаламни келтириб қўйди. Хусайн ибн Сино саволларга жавоблар ёзишга киришди. Барвақт сахарда хизматкор Абу Убайд Ал-Жузжоний эшигини қокди: «Хўжайин тез етиб келишингизни сўрадилар».

Абу Убайд Ал-Жузжоний Шайхнинг хонасига кирганида, кўрдики, барча қоғозлар Устознинг майда хуснихати билан ёзиб тўлдирилган. «Бутун бир китоб бўлди», - деди устоз хижолат тортгандай. «Мехмон чопарни тўхтатиб турмаслик, Шероздаги олимларни кутдириб қўймайлик учун, барча саволларга бирварақайига жавоблар ёзақолдим». Абу Убайд Ал-Жузжоний чопарга Шерозлик олимларнинг саволларига устоз Хусайн ибн Сино ёзган жавобларни топширганида, у маҳлиё бўлиб қолди. Шерозга қайтганида у узок вақт бу ҳайрон қоларли ҳодисани қайта-қайта айтиб юрган. Хусайн ибн Синонинг даҳоси идрок етган ҳамма нарса одамларга берилган бўлиб, унинг мислсиз меҳнати шу мақсадга хизмат қилган ва инсониятни бебаҳо мерос билан таъминлаган. Олим ўзининг кенг ҳаётий тажрибаларини асарлари орқали китобхонларга ўтказди, илм-фан ва тиббиёт тақдир билан қизикди, ўзига хос маъсулият билан халқнинг юксак ахлоқий фазилатлари, ақл-заковати, саломатлиги учун қандай курашиш кераклигини ёрқин ва ишонарли намунасини кўрсатди. Олий даражадаги ақл-заковат эгаси, учта подшоҳликда ва-

зир лавозимида муваффақиятли фаолият юритди. Давлат ҳукмдори билимли, фозил, адолатли, диёнатли ва ўз фуқароларига эътиборли бўлиши ҳамда уларни қонунларга мувофиқ бошқариши керак, деб ҳисоблади. Хусайн ибн Сино иззат-икром, меҳнат-севарлик, камтарлик, одамларга таъсирчанлик ва эътиборлик, юқори иродалик, ҳар қандай қийин вазиятда ҳам мувозанат билан қарор қабул қилиш каби ажойиб қобилиятларни ўзида мужассамлаштирган, ҳаётни яхлит идрок етиши билан ажралиб турадиган буюк шахс эди. Унинг табиятан чуқур эътиқоди ва раҳмдиллиги, зиёли ва олийҳимматлиги, фидойи устозлиги, билимдонлиги ва чуқур илмий башорат қилаолиш қобилияти уни тенги йўқ энциклопедист олим даражасигача кўтарди.

Хусайн ибн Синонинг тарихчилар томонидан хатлов қилинган тиббиётга оид 43 асарларининг 30 дан ортиги бизгача етиб келган. Уларнинг орасида Тиб конунлари «Ал-канун фитибб» тиббий энциклопедияси, Тиббий уржуза («Уржуза фитибб»), Юрак дорилари («ал-Адвият ал-қалбия»), Инсон баданига етган барча зарарларни йўқотиш («Дафъ алмадорр ал-куллия ан-ал-абдон ал-инсония»), Куланж ҳақидаги китоб («Ки-

тоб ал-куланж»), Томир уриши ҳақида мақола («Мақола финнабз»), Шаҳвоний қувват ҳақида рисола («Рисола фил-бох»), Сафардагиларнинг тадбири ҳақида рисола («Рисола фитабри ал-мусофирин»), Соғлиқни сақлаш ҳақида рисола («Рисола фи хифз ас-сиҳха»), Сиканжубин ҳақида рисола («Рисола фи-сиканжубин»), Қон олиш ҳақида рисола («Рисола фил-фасд»), Сачратки ҳақида рисола («Рисола фил-ҳиндабо») ва бошқа қатор рисоалари шулар жумласидандир.

Хусайн ибн Сино катта хурматга сазовор шахс, кўнгли очик, меҳр-муҳаббатли, оддий, меҳнатсевар, зийрак, беморларга меҳрибон, ажойиб руҳиятли, тиббиёт одобининг юксак соҳиби, ҳайратона даражадаги иқтидорли олим ва шифокор. Унинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти, сеvimли касбга меҳри ва садоқати Ўзбекистон ёшлари тақлид қилишига арзигулик ҳолат. Буюк олим инсонларга соғлиқ, шод-хуррамлик келтириш учун яшади. Ўз манфаатидан инсонлар манфаатини юқори қўйди, умрини шифокорлик ва илм-фанга бағишлаганидан ҳеч афсусланмади.

Мухтасар қилиб айтганда, икки дарё оралиғидаги Мовароуннахр номли буюк юртнинг буюк фарзанди Хусайн ибн Сино ҳозирги кунга қадар жаҳон эътирофи эътиборда аллома сифатида эъзозланмоқда.

Дамин АСАДОВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Мавлуда ТАБИБОВА,
Исроил ИСМОИЛОВ,
шифокорлар

Здоровье детей


БЛИЗОРУКОСТЬ У ДЕТЕЙ МОЖНО ОПРЕДЕЛИТЬ ПО КАЧЕСТВУ СНА

Проблемы со зрением могут провоцировать нарушения сна. Новое исследование показало, что люди с близорукостью, как правило, спят хуже, нежели те, кто столкнулся с дальнозоркостью или хорошо видит.



Статистика показывает, что на сегодняшний день близорукостью страдает практически 30% взрослых людей и около 10% детей. Помимо целого ряда проблем, которые появляются у людей с расстройством зрения, они сталкиваются еще и с нарушением сна. Результаты нового исследования продемонстрировали, что качество ночного отдыха у близорукого человека может быть существенно ниже, нежели у того, кто не имеет подобного недуга.

Ученые полагают, что причина этого симптома заключается в снижении производства мелатонина, известного как гормон сна, а также нарушении циркадного ритма. Близорукость в медицинской среде носит название миопия. Это заболевание характеризуется нарушением способности видеть, при котором все объекты, находящиеся на дальнем от больного человека расстоянии, теряют свою четкость, при этом все, что находится вблизи него, он ви-



дит хорошо.

А при такой не менее распространенной болезни как дальнозоркость у людей происходит обратная ситуация. Они могут хорошо видеть вдаль, но не способны без очков или линз читать книги или смотреть телевизор и так далее.

Группа специалистов, которые работали над изучением во-

Миопия начинает проявляться обычно не раньше шести лет, но родители должны быть начеку до 13 лет. При нарушениях сна ребенка стоит дополнительно проверить качество его зрения.

проса, выражают надежду на то, что полученные данные могут быть использованы для раннего диагностирования близорукости у детей. Это очень важно, поскольку в некоторых случаях, если не обнаружить недуг в раннем возрасте, в период полового созревания зрение может значительно ухудшиться.

Имконият

ТИББИЁТ МАРКАЗЛАРИ ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИК УСКУНАЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАНМОҚДА

Давлат раҳбарининг топшириғига биноан Соғлиқни сақлаш вазирлигига травматизм кўрсаткичлари ва шошилич тиббий ёрдамга муҳтож беморлар мурожатларини чуқур таҳлил қилган ҳолда, йирик автомобил трассаларига яқин жойлашган ҳудудлардаги шошилич тиббий ёрдам муассасалари таркибида туманлараро қўшма жароҳат ва юрак-қон томир касалликлари бўлимлари ташкил қилиш вазифаси юклатилган эди.

Мақсад – бутун дунёда, шунингдек, мамлакатимизда ҳам хасталиклар орасида етакчи ўринларни эгаллаб турган юрак-қон томир касалликлари ва шикастланишлар оқибатида юзага келаётган ўлим ва чуқур ногиронлик кўрсаткичларини сезиларли камайтириш. Маълумки, айнан шу икки йўналишдаги касалликларда тиббий ёрдам кўрсатиш муддати (тезкорлиги) ва тўлақонлилиги беморнинг ҳаётини сақлаб қолишда ва ундаги ногиронлик ҳолатларини камайтиришда ҳал қилувчи омиллар ҳисобланади.

Дарҳақиқат, дунёдаги хавфли хасталиклар рўйхатида юрак-қон томир касалликлари олдинги ўринда туради ва деярли барча мамлакатларда катта ёшдаги одамларнинг асосий ўлим сабабларидан биридир.

Ушбу касалликларда рўй берадиган шошилич вазиятларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар тўсатдан пайдо бўлади, кийин кечеди ва беморнинг ҳаёти кўрсатилаётган биринчи ёрдамнинг тезкорлигига боғлиқ бўлади.

Бундан ташқари, турли хил

жароҳатлар олинган пайтда ҳам, айниқса, автохалокатлар содир бўлганида тез тиббий ёрдамнинг тезкорлиги муҳимдир. Бунда инсон ҳаётини сақлаб қолиш ва уни ногиронликдан асраб қолишда ҳар бир сония аҳамият касб этади. Ҳар йили дунёда автохалокатлар туфайли 250 минг нафардан зиёд киши ҳалок бўлади ва 7 миллион нафар киши жароҳат олади. Масалан, Америка Қўшма Штатларида ҳар 15 дақиқада автохалокат содир бўлади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, аҳолининг ёшлар катлами (40 ёшгача)нинг автохалокатлардан ўлим даражаси юрак-қон томир, онкологик, сил ва юқумли касалликлардан ўлим даражаси билан бир қаторда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди.

Шу сабабдан ҳам, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аҳоли сони ва географик жойлашувидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз ҳудудларида туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари қошида 35 та туманлараро қўшма жароҳат ва юрак-қон томир касалликлари

марказлари ташкил қилинди.

Қишлоқ ҳудудларида ташкил қилинган ушбу туманлараро марказларда замонавий стандартлар асосида ҳамда юқори технологияларни кенг қўлланган ҳолда ихтисослаштирилган травматологик, нейрохирургик, ангиохирургик (қон-томир хирургияси), кардиологик (жумладан, коронарографик) ёрдам кўрсатилиши кўзда тутилган.

Асосан юқори технологик шошилич тиббий ёрдам кўрсатишга мўлжалланган ушбу туманлараро марказларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш Халқаро Тараққиёт Ассоциацияси иштирокидаги “Шошилич тиббий ёрдамни такомиллаштириш” инвестицион дастури доирасида молиялаштирилмоқда. Ушбу дастур эса Жаҳон банкининг “Ўзбекистонда COVID-19 коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича шошилич чоралар кўриш” лойиҳаси таркибида бўлиб, ҳозирда харид қилиниши лозим бўлган тиббий жиҳозларнинг асосий қисми юртимизга олиб келинди ва ҳудудларга етказилмоқда.

Айтиш лозимки, ҳар бир марказ кўп қисмли компьютерли тамограф, стационар рентген, мобил рентген аппаратлари, С-агм мобил рентген тизими, стационар ультратовуш аппарати, ПЗР-аппарати, ярим автомат ИФА, виброакустик аппарат, бронхоскоп, гастро-



фиброскоп, транспорт ўпка сунъий вентиляцияси ва сунъий нафас бериш аппаратлари, хирургик асбоблар тўплами каби қатор тиббий жиҳозлар билан таъминланмоқда.

Эътиборли жиҳати, пандемия даврида ушбу марказлар ҳудудларда коронавирус инфекциясининг аниқланиши кучайган вақтда беморларни қабул қилиш учун шай ҳолатда бўлиб, бу турдаги касалларни доволаш учун барча жиҳозлар етарли ҳолатга келтирилмоқда. Пандемия хавф солмаган дав-

рда эса бу муассасалар вилоят марказидан олис ҳудудларда, жароҳатланиш ҳолатлари кўп бўладиган халқаро автотрассалар яқинида жойлашгани сабабли юрак-қон томир касалликлари хуружи ва шикастланишлар содир бўлганида вақт йўқотмасдан беморларга тезкор, юқори технологик ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Ушбу марказларда фаолият юритадиган мутахассисларни ўқитиш ва малакасини ошириш ишлари ҳам бошлаб юборилган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ташкил қилинган 35 та туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўтқир қон-томир касалликлари марказлари юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни қишлоқ аҳолисига максимал яқинлаштиришга имкон яратади, шошилич тиббий ёрдамни ўз вақтида ва мукамал равишда кўрсатиш ҳисобига эса минглаб фуқароларимизнинг ҳаётини сақлаб қолишга ва уларнинг фаол меҳнат қобилиятини тиклашга ёрдам беради.

Обиджон ДИЛМУРОДОВ,
маҳаллий консултант.

Эҳтиёткорлик—давр талаби

ДОИМИЙ ХУШЁРЛИК ЗАРУР

Барчамизга маълумки, ёзнинг биринчи ойи болажонларимиз учун қувончли кунларни бошлаб беради. Фарзандларимиз ёзги таътилга чиқишади. Уларнинг кўпчилиги оромгоҳларда дам олишади. Айримлари ўз уйларида, оила аъзолари эса эртадан-кечгача ишда бўлишади.

Ана шундай пайтларда имкони борича болаларни ёлғиз қўймасликка ҳаракат қилишимиз керак. Сабаби, болалар ўйинга берилиб, уйдаги хавфсизликларга эътибор бермасликлари мумкин. Айниқса, оилада заруратга айланган табиий газлардан доимий фойдаланамиз. Лекин айрим ҳолларда болаларимиз ёлғиз қолишганда, гугурт билан ўйнаш ёки газ бурагичларини бураб, ёкиб қўйиш эҳтимоллари ҳам йўқ эмас. Шундай экан, бу каби кўнгилсиз ҳолатларни олдини олиш учун фарзандларимизга ёнгин хавфсизлиги ва уни келиб чиқиш сабабларини тушунтиришимиз зарур. Биринчи навбатда уйимизда ишлатадиган табиий газни ишлатиш усулларини ёки ундан чиқадиган ис газини инсон ҳаётига хавф солиши тўғрисида ҳам маълумотлар беришимиз керак. Биз шуни назарда тутмоқчимизки, болалар уйда ёлғиз қолишганда газдан фойдаланишга тўғри келади. Айрим ҳолларда эътиборсизлик туфайли ис газининг юзага келишига сабаб бўлишади. Жумладан, уй шароитида табиий газ чиқиб турганда ёнувчи модданинг тўлиқ ёнмаслиги натижасида захарланиш мумкин. Маълумки, ис газни

организмга нафас аъзолари орқали таъсир этади. Натижада инсон ҳаёти хавф остида қолади.

Таҳлилларга кўра, ис газидан захарланиш ҳолатларининг аксарияти қуйидаги сабабларга кўра юзага келмоқда: фуқаролар томонидан газдан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя этмаслик, суялтирилган углеводород газ балонларини (анжомлари)ни дам олиш (ухлаш) хоналарига олиб кириш, ошхонада ўрнатилган табиий газда ишловчи газ плиталардан хоналарни иситиш мақсадида фойдаланиш, хавони алмаштирувчи шамоллатиш шахталари ёки туйнуқларни беркитиб (тўсиб) қўйиш.

Азиз ота-оналар фарзандларингиз уйда бўлганда, ис газни вужудга келиши сабабларига йўл қўймаслик ва ундан захарланмаслик учун бир қатор эҳтиёт чораларини кўриш тавсия этилади.

Хасан СОБИРОВ,
Миробод тумани ФВБ профилактика ва
НБ инспектори, катта сержант.

ОФАТДАН САҚЛАНИШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Республикамиз аҳоли турар жойларида ва халқ ҳўжалиги тармоқларида аҳоли турар жойларида ҳамда ён атрофидаги асосан ёзги мавсумда ёнгин чиқиш ҳолатларига сабаб бўлувчи омиллар.

Қуриб қолган ўт ўланлар ёнгин чиқиш хавфини кучайтиради, оловдан фойдаланилаётганда йўл қўйилаётган эътиборсизлик, фуқароларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида локайд бўлишлари сабаб бўлмоқда. Шунингдек, ўчирилмаган сигарет, назоратсиз қолдирилган болаларнинг гугурт билан ўйнаши ва бошқа сабабларга кўра уларнинг ёниб теварақ атрофдаги биноларга ўтиб кетиш ҳолатлари кузатилмоқда. Ушбу нохуш ҳолатларни олдини олиш мақсадида сизлардан шуни сўраб қоламизки, ўз уйингиз ва ён атрофингизда ёнгин хавфсизлиги меъёр қоидаларига риоя қилинг. Гугурт ва алангаланувчи моддаларни ёш болалардан узоқда ҳамда кўринмайдиган жойларда

сақланг. Болаларнинг газ мосламаларидан фойдаланишга рухсат берманг, ёш болаларни уйда ёлғиз қолдирманг. Ўз уйларингиз атрофида йиғилиб қолган қуриган ўтларни йиғиштириб, махсус транспорт воситалари ёрдамида чиқинди хоналарига жўнатиш. Ўз уйингиз атрофида ёнгин ўчириш автоуловларини, ўтиш йулақларни турли хил тўсиқлар билан тўсиб қўйманг.

Азиз юртдошлар! Ёнгин қоидаларига риоя қилиш билан, Сиз ўз уйингиз, оилангиз ва ёш болаларингизни офатдан сақлаган бўласиз.

Алибек МИРЗААХМЕДОВ,
Миробод тумани
ФВБ II ва НБ мутахассиси,
оддий аскар.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371)
233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг
11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома
рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 796 нусха.
Буюртма Г-640

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.